



ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Шу йил 9-13 октябр кунлари Бухарест (Руминия)да Парламентлараро Иттифоқнинг 94-конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг парламент делегацияси иштирок этди. Конференцияда Ўзбекистон делегациясининг раҳбари, Олий Мажлис Раиси Э. Халилов нутқ сўзлади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

16 октябр куни Вазирлар Маҳкамасида давлат мулкани хусусийлаштириш мажмуининг мажлиси бўлди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен қатнашди.

Мажлис якунлари бўйича барча нуқсонларни тугатиш чоралари белгиланди.

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Шу йил 24—26 октябр кунлари Тошкентда «Устоз шогирд: барҳаёт анъаналар» шиори остида Ўзбекистон ҳунармандларининг биринчи республика ярмаркаси ўтказилади. Республика Маданият вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этаётган бу тадбирда бой халқ амалий санъати ва ҳунармандчиликнинг хилма-хил маҳсулотлари намойиш этилади.

НОГИРОНЛАР САЛОН МАГАЗИНИ

Тошкентда Машҳур «Майер» Германия фирмасининг ногиронлар ҳаракатини яхшилашга хизмат қўрадиган салон-магазинининг тантанали очилиш маросими бўлди.


Шуни билдириш сазоворки, бу салон-магазин МДХ мамлакатларида очилган иккинчи хайрия-савдо масканидир.

ЎЗБЕКИСТОН ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ

Андижондаги «Электророботлар» заводи жамоаси пухта тайёргарликдан сўнг Тошкент мутахассислари уйлаб топган бир фазали «СОЭ-1» электр ҳисоблагичларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Ҳозир янги маҳсулотнинг дастлабки туркуми «Ўздавстандарт»да давлат имтиҳонидан ўтказилмоқда.

**ЎЗА ВА МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ
АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.**



Ажабо!

ЎН ЙИЛ СУВ ОСТИДА

1985 йилнинг 23 июнида Африка гарбидаги Фил Суяги Қиргоғи давлати яқинида кема ҳалокатга учрайди ва чуқиб кетади. Ушанда кемадаги денгизчиларнинг барчаси ҳалок бўлганлиги расман эълон қилинганди.

Яқинда эса гаввослар сув остида ана шу кеманинг қолдигига дуч келишди. Уларни лол қолдиргани кема трюмидаги қоқсуяк бўлиб қолган, лекин ҳали тирик 14 нафар денгизчи бўлди. Бу ҳақда дарҳол Гранд Басамдаги денгиз бошқармасига хабар берилди. Денгизчилар сув остида чиқариб олинди. Маълум бўлишича, кема чуққан пайтда трюмда ҳаво йиғилиб шар ҳосил қилган ва денгизчи-

лар ўн йил давомида кислород билан бекаму куст таъминланиб туришган. Кемада озиқ-овқат ва ичимлик суви захираси мўл экан. Лекин уларини қачон бўлсин қутқариб олишларига ишончсизлик, умидсизлик ва тушкунлик кайфияти денгизчиларнинг руҳиятига жиддий таъсир этган экан. Шунинг учун уларнинг уч нафари руҳий хасталиклар шифохонасига, қолганлари эса интенсив терапия бўлимига ётқизилди. Ўн йил сув ости тушкунлигида яшаган денгизчилар гапириш қobiliятини ҳам йўқотганлар, улар фақат ҳар хил овозлар чиқарадилар холос. Уларнинг нормал ҳаётга қайтиш-қайтмасликлари ҳам номаълум.

Обуна — 96

ХУРМАТЛИК МУШГАРИЙ!

Ҳаш-наш дегунча октябр ойининг ҳам 19 кун ортида қолди. Демак, республикадаги газета ва журналларига 1996 йил учун обуна бошланганига 19 кун бўлибди. Демокчимизки, ўзингиз сезиб ўқийдиган нашрларга тезроқ обуна бўлиб қўймасангиз, кейин кеч қолишингиз мумкин.

«Оила ва жамият» газетаси келгуси йилда ҳам хонадонингизга ҳафта сайин кириб боришига, ҳамда сизнинг дилкаш ҳамсўхбатингиз бўлишига умид қиламиз. Боболаримиз «Бугунги ишни эртага қўйма» деганлар. Ишонччимиз қомилки, сиз ҳам ана шу уғитга амал қилган ҳолда, шу бугундан кечиктирмай газетамизга обуна бўласиз.

Обуна баҳоси қуйидагича:

3 ойга — 79 сўм 95 тийин
6 ойга — 159 сўм 90 тийин
1 йилга — 319 сўм 80 тийин.

Обуна индекси: 64654.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА
ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!



Туркистон бир-Ватан бир

БУЮК ОКИНГА БАҒИШЛАНДИ

Қозоқ халқининг ажойиб фарзандини, оқин Абай Қунонбоев таваллудининг 150 йиллиги Қорақолпоғистон Республикасида ҳам кенг нишонланмоқда. Жумладан, яқинда Тахиятошда «Халқимизда ун икки ой ҳам туй бўлсин!» номли кеча ўтказилди. Кеча Абайнинг ҳаёти ва ижодига бағишланди ва унда буюк оқиннинг шеърлари, улар асосида ижро этилган қўшиқлар янгради, асарларидан парчалар намоён этилди.

НИМА БИЗГА ЧЕГАРА!

Қустанай шаҳрида чегараолди вилоятлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қозғистоннинг 9 вилояти ва Россиянинг 12 вилояти раҳбарлари қатнашди, ҳамда Божхона иттифоқи ҳақидаги шарноманинг бажарилиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама этилди.

ИЖТИМОЙ ХИМОЯ АМАЛДА

Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг «Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари турисида»ги фармонида биноан шу йилнинг 1 ноябридан мамлакатда иш ҳақлари, нафақалар ва стипендияларнинг энг кам миқдори оширилади. Шу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча равишда 100 миллион сом сарфланиши кузда тутилган.

СОЛИКНИ ТЎЛАЁЛМАЙСАНМИ...

Президент Асқар Акаев давлат газнасида ўз вақтида солиқ тўламаган корхоналарга ва уларнинг раҳбарларига «уруш» очди. Шу муносабат билан чиқарилган Фармонда корхоналарнинг давлат олдидаги қарзлари 115 миллион сомга етганлиги қайд этилди ва тезда солиқлар тўланмаса, корхоналарнинг раҳбарларини эғаллаб турган лавозимларидан озод этиш шарт қилиб қуйилди.

ДЭУ ТОЖИКИСТОНДА

Жанубий Қурианинг машҳур «ДЭУ Электроникс» фирмаси Душанбе шаҳрида 10 минг абонентга мўлжалланган автомат телефон станциясини ишга туширди. Яқин келажда Душанбе ва Турсунзода шаҳарларида бундай станцияларнинг яна бир нечтасини ўрнатиш мўлжалланмоқда.

ДЕМПАТИЯНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ

Туркменистон Демократик партияси Сийёсий Кенгашининг саккинчи Пленумида Сапармурот Ниязовнинг мамлакат Президенти ва ТДП раиси лавозимида бир умр қолиши ташаббуси ўртага ташланди. Бу масала бошланғич партия ташкилотларида қизгин муҳокама этилмоқда ва қўллаб-қувватланаётган.

Албатта бу саркаш шоирнинг туйғуларини. Дунёдаги машҳур кишиларнинг аксарияти болалалигидаёқ ўта қобилияти ва тўғма талант соҳиблари бўлишган. Масалан Навоий 6 ёшдан, Пушкин-9, Лермонтов-10, Гёте-12, Байрон ва Шиллер-16 ёшдан шеърлар ёза бошлаган. Улуг бастакор бўлиб етишган Моцарт ўзининг биринчи асарини уч яшарлигида яратган.

Михаил Шолохов «Тинч Дон» романининг биринчи китобини ёзганда 23 ёшга тулганди.

Улуг соҳибқирон Амир Темур 20 ёшга етмай дунёга машҳур саркарда бўлиб етишди. Мирзо Улуғбек осмон илмини урганишга қизиққанида ҳали йигирмага кирмаганди. Заҳириддин Бобур 12 ёшда шохлик тахтига ўтирди.

Бугун биз эса ана шундай заковат эгалари, ўткир қобилият ҳосиллари ҳақида тез-тез уйландиган бўлиб қолдик. Бир вақтлар Абдулла Орипов «Қуйвор, набирангни отажоним Шарқ»... деб нола қилганди.

Бугун биз

мустақилмиз.

Қўллар озод.

Кишанлар парчаланган.

Мамлакат ўзининг

ойдин йўлини

танлаб олди.

Бугунги авлод

ўз фарзандлари

га умид билан қарамоқда.

Ҳақиқатдан ҳам,

умид келажакдан.

Бундан ун йиллар бурун

Зарафшон бутун мамлакатга бағрини очиб турган

шаҳар эди. Утган ўттиз йил мобайнида

Зарафшонга собиқ иттифокнинг турли

бўрчакларидан меҳнат қилиш мақсадида

ёшлар тинимсиз оқиб келишди.

Бугун Зарафшонда қад ростлаб турган

куркам биноларни бунёд этишда

ўша давр ёшларининг муносиб улуслари бор.

Ҳозир навқирон Зарафшон шаҳри

бозор муносабатлари шароитида яшамокда.

Бозорнинг талаби кун сайин,

ой сайин ушиб борапти. Корхоналар ма-

лакали кадрларга эҳтиёж сезаяпти. Энди

«бутун синф билан-заовда» деган

даъват кун тартибидан тушиб қолди.

Бугунги кунда ўрта мактаблар ва ҳунар

техника билим юртлари битирувчиларини

«Ким бўлсам экан?» деган савол

кўпроқ уйлантирмоқда. Бу савол мактаб

таб ўқитувчиларини, маҳалла кўмиталарини,

ота-оналарни ва ҳатто милиция

ходимларини ташвишга солиб қўймоқда.

Маънавий қўргон бутунлиги мамлакат

бутунлиги ҳамдир.

Яқинда биз Навоий вилоят ички ишлар

бошқармаси бошлигининг муовини,

Зарафшон шаҳар ички ишлар бошқармаси

бошлиги милиция подполковниги Саъдулла

ШАРОПОВга бир қатор саволлар билан муросажат қилдик.

— Саъдулла Муродович, билишимизча,

кейинги пайтларда маъмурий органлар,

шу жумладан милиция ходимлари ёшлар тарбияси

ўзларини дахлдор деб билмокдалар. Илгари ёшлар билан партия ва комсомол ташкилотлари шугулланар эдилар...

— Ёшлар тарбияси бугунги ташвиш эмас. У ҳақида ўз даврининг долзарб вазифаси бўлиб келган. Бугунги талаб кечаги кундан фарқ қилади. Замон талаблари ўзгаряпти. Энди ёшлар тарбиясини жамоа ташкилотларнинг елкасига ташлаб қўйиш ярамайди. Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясида юртбошимиз Ислоҳ Каримов бу ҳақда шундай деб таъкидлади. «Келажакда Ўзбекистон юксак дара-



«БОЛА БОЧИДАН ... ДЕТАН ТАҲИ ШУҲРИ...»

жада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим». Демак биз ҳам бу умумхалқ ишидан четда эмасмиз. Ёшлар ўртасида жиноятчиликни қўлайиб бораётганидан эса кўз юмолмаймиз.

— Бунинг сабаблари ҳақида тушунча берсангиз?

— Минтақамизда содир бўлаётган жиноятларнинг муайян қисми илгари жиноят оламига алоқаси бўлмаган ўсмирлар томонидан содир этилмоқда. Жиноятчилар таркиби ҳам ўзгариб борапти. Айтиш кераки, ёшларни банд этадиган, уларни ўзига тортадиган тарбиявий воситалар тобора камайиб бормоқда. Иккинчидан жамоатчиликнинг таъсири тобора сусайиб кетаяпти.

Учинчидан, эса айрим ота-оналар баалоғат ёшига етай, деб қолган фарзандлари тарбияси билан мутлақо шугулланмай қўйишди. Мен шу уринда бир мисол айтмай. Зарафшонлик С. исмли ўсмир талончилик қилгани учун судланди. Милиция ходимлари унинг оилавий шароити билан қизиқиб қўрдилар. Маълум бўлишича С. ҳеч қаерда ишламас ва ҳафта-лаб уй бетини кўрмас экан. С. нинг ота-онаси ҳам ундан безор бўлишган эканми. «Бизга бундай фарзанднинг кераги йўқ» деб айтишди.

— Буни Сиз қандай баҳолайсиз?

— Айрим оналар ўз алласидан, оталар меҳридан оппа-осон воз кечиб кетаверсалар, эртага нима бўлади. Улар ҳам фарзандларига ана шундай меросни қолдирмайдими!

— Ҳар ким эканини ўради-да...

— Агар шундай тушунчалар билан яшайверсак бу тоифадаги ёшлар эртага бизнинг, сизнинг гирибонимиздан олиши ҳам ҳеч гап эмас.

— Ҳўш, унда нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Мен бу саволга юқорида қисман жавоб бердим. Ва яна тўлдириш керак. Илгари ижроқўмларда баалоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиялари бўларди. Бу комиссиянинг фаолияти жуда яхши эди. Комиссиянинг бевосита ўсмирлар, уларнинг ота-оналари билан иш олиб бориш ваколатлари бор эди. Ҳозир бундай комиссиялар йўқ. Жамоат ташкилотларининг таъсири доираси анча сусайиб қолган. Айрим ўсмирларимиз бугунги кунда куча тарбиясидан «сабоқ» олмақда. Кундуз кунни кўчада ким бекор юради? Албатта кўч ҳолларида безорилар, ўғрилор, бу тоифадаги кимсалар ўсмирларни дарров ўз таъсирига торта оладилар. Биз ҳозирги шароитда мана шу ижтимоий иллатларга қарши қатъий кураш олиб бормоғимиз керак. Биз катта кўчага эгамиз, деб айтмоқчимиз. Бу бир қадар нисбий тушунчадир. Агар маҳалла кўмиталари, бутун жамоат ташкилотлари биргаликда иш олиб борсалар катта кўчага айланарди. Жамиятимизда соғлом авлод ўнун кураш ҳамма-нинг ишига айланган экан, унинг шахсий жавобгарлиги ҳам бор.

М. МАРДИЕВ

Оила гурунги

«МЕН КИЧКИНА БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН»

Мана оилада яна янги меҳмон — чақалоқ, борингки иккинчи фарзанд дунёга келди. Қарабсизки, гудакнинг туғилиши барча қариндош-уруғларга олам-олам қувонч, оилага эса файз олиб киради. Ам-



мо бир киши бундан кўнгли тўлмай, ҳадеб инжиқлик, хирилик қилаверадди. Қолаверса, чақалоқ унинг кўзига шунақаяқ ёмон кўринадики... Бу ким экан деб ҳайрон бўлаяпсизми? Ажабланишга ҳеч ҳам шошилманг. Аслида у чақалоқнинг акаси ёки опаси бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, ота-она кўпроқ янги туғилган чақалоқ билан овора бўлиб қолиб, иккинчи борича эътиборини шунга қаратаркан. Бу табиий ҳол албатта. Чунки таъки таъсирларга ҳимосиз ва оҳиз бўлган гудакка асосий эътибор қаратилади-да. Афсуски бу нарса катта болага жудаям тез таъсир қилади. Бола ўзини қаровсиз, унутилгандай ҳис этади. Атрофдагиларнинг, ота-онанинг илгариги эркалашларини, яхши муомалада бўлишларини соғинади. Натижада ота-онанинг меҳр-муҳаббатини тула ўзига қайтариш учун ўзини ҳар хил қўйга солади. Шу сабабали болада инжиқлик, йиғлоқлик, чучук тил билан гапирishi («Р-ни й», «с», «з» товушларини «ш», «ж» товушлари билан алмаштириш) хусусиятлари пайдо бўла бошлайди. Хул-

лас ота-онанинг илгариги муҳаббатини қайтариш учун ёш бола бўлишга ҳаракат қилаверадди. Тўғри, бир қараганда кичишга бу жараён қўлғили туюлади. Аммо зийрак бола ота-онаси, қариндош-уруғларининг кўпроқ ўқасига эътибор бераётганлигини кўриб гўё ўзини унутиб юборилгандай ҳис қилади. Боланинг иккинчи борича ёш бўлишга қилаётган ҳатти-ҳаракати замирида яна бир нарса бор. У ҳам бўлса, бола ўсим, мустақил бўла бorgan сайин унинг олдидан чиқадиған ҳар хил муаммолардир. (Кийинчи, ювенил, овқатланиш ва ҳоказо) Бу муаммоларга у дарҳол кўника олмайдди. Қолаверса, унинг кўз олдига ўқасини ота-онаси кийинтирса, овқатлантирса, опичлаб, кутариб юрса... Албатта болага бу алам қиладики.

Шунинг учун бундай руҳий ҳолатга тушган бола билан жиддий шугулланиш тавсия этилади. Оилада она чақалоқ билан банд бўлса, ота унинг ўрнини бо-сишга ҳаракат қилиб, боласига кўз-қўлоқ бўлиши, илоҳи борича уни чағлатишга ҳаракат қилиши лозим. Ана шундангина боладаги «кичкина бўлишга интилиш» ҳисси унинг характериға таъсир этмайди.

Алижон САҒАРОВ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

XX
Лондон, 1747 йил
11 декабрь.

Хар ким аҳамият беравер-майидган бир нарсани билиш-нинг жуда истайман. Бу нарсаси — Вақт. Вақт — бебаҳо, ундан низоҳатда самарали фойдаланиш лозим. Ушбу ҳақиқат кўпларга маълум, аммо ҳамма ҳам унга амал қилавермайди. Вақтини беҳуда ўтказиб қўйиб, вақтнинг қадрига етиш заруратини инсон ўз ақли-дроки билан чуқур ҳис этмас экан, ҳар қандай ширларнинг фойдаси йўқдир. Менга ёзган хатингиз қараганда кўнларинг самарали ўтаётганига ўхшайди. Шу боисдан ҳам сенга вақтни шомолга совиришини оқибат-лари ҳақида панду насихат қили-шини ортиқча деб биларман. Аммо олдинда турган узоқ умринг маълум бир қисмини (яъни икки йилни) қандай ўт-казишинг тугрисида баъзи бир мулоҳазаларимни баён қилиш-ни истардим.

Шуни эдингда тутки, ўзинг-га зарур бўлган билимларни ўн саккиз ёшгача ололмасанг, қолган бутун умринг давоми-да ҳам уларни эгаллаб улгур-майсан. Билим — кесаликда асқотадиган ишончли бошпа-на. Агар биз ёшлигимизда ни-ҳол экмасак, қариган чоғимиз-да қуёшини оловли нурлари-

дан яширинишга соя топа ол-маймиз. Катталар даврасига кирганингдан сунг ўқиш ва ў-қинишга вақт тополмайсан. Хо-зир эса билим олишингга ҳеч нарсаси ҳалақат бермайди, қола-верса, ўзлаштиришинг ҳам осон

билан шугулланиб бўлмас экан, жила қуриса китоб ўқиш лозим. Хайр.

XXI
1748 йил, 2 январь.
Жондан азиз болажоним!
Лейпцигда вақтинги қандай



кечади. Бундай имкониятни кўл-дан бой бермаслигинг керак. Бирор фанни ўзлаштиришда қийналсанг асло чўчима, билгин-ки, қийинчилик бундан буюн се-нинг доимий ҳамроҳингга айла-нади. Қанчалик кўп йул юрсанг манзилга шунча тез яқинлаша-сан. Тезроқ озолиққа эришиш-нинг бирдан-бир йули вақтдан самарали ва унумли фойдалан-моқдир. Сен билан шундай аҳд-лашасан дейман: агар ўн саккиз ёшингача мен қўйган талаблар-ни бажара олсанг, виждоним ҳаққи сўз бераманки, бутун ум-ринг давомида ҳар қандай орзу-истакларингни рўёбга чиқара-ман.

Ўз вақтини сира беҳуда ўт-казмайдиган бир одамни билар-дим. У ҳатто табиий зарурат учун кетадиган дақиқаларини ҳам бекор ўтказмасди. Горацио асарларини ҳоҳатхонада ҳам ўқиб ўтирарди. Бу, албатта, сен-га ҳунук одатдек туюлиши та-биий. Лекин мен уни умрини-г ҳар бир сониясини беҳуда ўт-казмагани учун қадрлайман. Бун-дай пайтларда бошқа ҳеч нарсаси

режалаштирганингни эшитиб қойил қолдим. Режанга қараган-да, ўзинг учун зигирча фурсат қолдирмаганга ўхшайсан. Асли-да ундай эмас. Ҳозир бутун фурсатингни билиму тажриба ўрга-нишга сарфлаш билан сен ўзи-нг учун жуда кўп вақт тежаб қо-лаясан. Яъни ҳозир сен вақтни гуё катта фойда олиш учун ба-нққа қўймоқдасанки, бир неча йилдан сунг бениҳоя улкан бойликка эга бўласан.

Балки ўн турт нафар ош-нангдан ўн икки нафари муж-жал, яхши тарбия кур-маган болалардир. Аммо сендан утиниб сурайман, уларни ёқтирмаслигини асло ошкор қилма, уларни-нг устидан қулиш одобдан эмаслигини унутма. Аксин-ча, бетайин одамлардан ҳам зигирча бўлса-да наф топишга интил. Германия-нинг турли бурчакларидан келган бу инсонлар сенга немис тилини ўрганишинг-да катта ёрдам қилишлари мумкин. Ўзаро суҳбатлар-ни улар фойдали маслаҳат

бериши мумкин бўлган мавзу-ларга бур. Гарчи улар ланж, ёқимсиз бўлсалар-да, ўз ҳаётла-ри, қонун-қоида ва урф-одатла-ри ҳақида сенга кўп янгиликлар-ни сузлаб беришди. Дунёда ҳар жихатдан комил инсон бўлмага-

қадар унинг ҳузурида кўпроқ бўлишга ҳаракат қилгин. Мен бу аёлнинг ута одобли, ис-теъдодли эканини эшитганман. Аввал даврасига ақлингни ча-рхлаш ёки чуқур билим олиш учун кирмайсан, албатта. Бу давра бошқа томондан муҳим-дир. Ушбу давра юриш-тури-шинг ва муомалангни тарбия-лайди, чуқри, инглизлар бош-қа мамлакатлар фуқароларига қараганда ана шу хислатлар-дан кўпроқ маҳрумдирлар.

Еганинг олдинда, емагани-нг оранда деб айтолмайман-ку, лекин еб-ичишдан нолима-санг бўлади. Шурва ҳамда кар-тошкани тановул қилганин-дан сунг, эрталабки нонушта-га қорнинг очиб қолмасе ке-рак. Билиб қўй, картошка ме-нинг дўстларим ва ҳамюртла-рим — ирландияликларнинг се-вимли таомидир. Улар Овру-подаги энг соғлом ва бақувват одамлардир. (...).

(Давоми бор)

нидек, ҳар жихатдан емон, бул-мағур одам ҳам йўқ. Яхши ки-меғар ҳар қандай аралашмадан ўзи истаган моддани ажрати-б ололганидек, эңчил ва ақлли одам ҳам суҳбатдошдан ўзига керакли бўлган маънавий озуқа-ни ола билади.

Герогиия Курляндскага та-ништиришган экан, энди имкон



Эй, муҳаббат!

У Ч Ч А Н О Қ

Гулим, ўша кунни сени қаттиқ ха-фа қилдим. Мен гухроҳнинг гуно-ҳимдан ўт. Сен билан жанажаалла-шиб, сен билан ажралишига аҳд қи-либ, дилим хуфтон, юрагим вайрон бўлиб Тошкентга қайтдим. Бахтни қараки, йўлда бир кекса одам билан ҳамроҳ бўлдим. Кўнгли тортиб, менга бутун ҳаётини гапириб берди. Каттиқ таъсирландим. Дунёда бир-бировини эъзозлаб яшаш ҳам мумкин экан. Бир-бировини авайлаб умр кечирши ҳам мумкин экан, гу-лим. Ўша ҳамроҳим, Тохир отанинг сўзларини тинглаб, сени севишим-ни англадим. Севибман, асрашни билмабман. Эшитганларимни сенга ҳам эшиттиргим келди. Зора, мени кечирсан. Ўйлаб кўрсам, ҳали бир-биримизга меҳр кўрсатиш имкони бор экан. Шу имконни қўлдан чи-кармаслигини истаб,

ЭЛЭР

Пахта терардим. Белим гишт бўлиб қо-тиб қолган бўлса ҳам, бир қўлимни тиз-

замга тираб пахта терардим. Узимам 10 яшар бола эдим-да, ушанда.

Уйимизга меҳмон келди. Уларнинг етти ешли қизчаси бор эди. Униям пахта терга-ни олиб бордим. Шу кунни илк марта пахта териб чарчамадим. Қизчанинг ўзига яраш-ган дуррачаси, чиройли қўзлари, бегубор саволири билан қўннинг кеч бўлагини сез-мабман. Шу-шу улар ҳар йили пахта маҳа-ли бизникига келадиган бўлиди.

Мавлуда билан пахта терардик. Қуса-қини утта чаноклиси бўлади. Термичлар уртасида уччаноқ уйили бор. Турлича шарт ва қоида бор бу уйининг. Биз ҳам учча-ноқ уйиладик. Бунда шарт шуки, ҳар икки томон берилган уччаноқни доим ёнида олиб юриши керак. Уни истаган пайтда сураш мумкин. Шу пайтда уччаноқ енида бўла-маган рақиб шартга тушади. Биз, шартни ютган тараф белгилайди, деб келишиди. Мен уни яхши қўрардим. Нима сурашим аён. Шунинг учун пайт пойлашдим, ютиб чиқишим шарт эди. Пахта мавсуми утиб кетди, сурамадим. Уям сурамади. Кейинги йили уруш бошланди. Амақларим урушга кетди. Келинчим отамдан сураб, мени уйларида олиб кетди. Болала-ри еш эди. Мавлуда ҳам улар билан яшарди. Келинчим қатор қилиб жой солади. Болалар, Мавлуда, уни енида мен. Бир енбош ётаман. Шун-доқ ётаману, уйғонаман.

1942 йили фронтга жўнадим. Мо-сква остонасида, бир ой машқ қи-либ жанга киридик. Кўп урушдим. 43-йили яралор бўлдим. Оёғимга ос-колка тегди. Олти ой госпиталда да-воландим. Мавлуда хат эиб турди. Уччаноқни ҳам доим енимда олиб юраман. Унинг сузлари юрагимга мадор бўлди. Шифо топиб яна жа-ннга киридим.

Немислар тепаликка жойлашиб олган. Бош кутаргани кўймайди. Уч киши пулеметнинг овозини учуриш-га кетиб, қайтмади. Командир мен-га қараб, олдинга имлади. Даст ур-нимдан туриб ўзимни олдим. Чап қўлим жиз этди-ю менга бўйинсу-нади. Яраланганимни сездим. Ле-кин уйлаб утирадиган пайт эмас. Олдинга эмақлай бошладим. Немис куриб турган экан. Ўқ ёмири ости-да қолдим. Тегмади. Биронтасиям тегмади. Эмақлайвердим. Мина ота бошлади. Эмақлайвердим. Тепалик-ка етай деганда, қорға қапишиб беш минут кимир этмадим. Немис ме-

ни унди деб уйлади чоғи, отишни бас қи-лди. Секин олдинга эмақладим. Тепаликни тағига етиб, суяниб уринимдан турдим. Хо-лдан кетаётган эдим. Ўнг қўлим билан гра-натани тешикча иритдим. Ажал ёмирини-нг уни учганини элас-элас билдим. Хушим-га келганимда яна госпиталда эдим. Даво-ландим. Ва мени шарққа жўнатди.

1950 йилда хизматдан жавоб беришди. Келганимни эпитиб, қариндошлар, дус-ту биродарлар йигили. Гирашра қоронғу тушганда Мавлуда келди. Шу пайт бизни-нг қувончимизни, бахтимизни сўз билан ифодалаб бўлмасди.

— Соғ-омон қайтганингиз учун худойим-га минг шукр, — деди у, — Энди уччаноқ-ни беринг.

Ҳарбий кийимимнинг қуқрак чўнтағи-дан эзилиб, тигилли кетган уччаноқни олиб қўлга тутдим.

— Сиз юлтингиз, деди у қўзлари яшнаб, — Шартингизни айтинг.

— Шартимни совчилар айтди.

Қулиб юборди.

Қутиб юрган экан. Қаранг, саккиз йил кутиб-яни. Мавлуда тулишиб оқи оққа, қи-зили қизилга ажраб, шундоқ сулув бўлиб кетгандики.

Турмуш қурдик. Умримда уни бир мар-та сукканман. Фарзанд кутаётгандик. Отир юк кутарганини қуриб сукдим. Емон сук-дим. Жула отир олди. То кўзи ериматунча гапирмасе дегн. Шу-шу бирон марта уриш-мадим, сукмадим.

Раҳматли жула фаршга аел эди. Кейин билсам, у ўзини кута олгани, вафолорли-ги билан мени улимдан саклаб қолган. Уни-нг вафоси — Менинг туморим бўлган экан.

Минг шукр, жула бахтли, яхши яша-дик. Мавлуда умр бўйи мени авайлаб асраб яшадим. Нима демоқчилигимни қўз қара-шимдан тушунари.

Беш углини уйлаб, жойладик. Икки қиз чиқардик. Неваера-чеваралар кўп. Бирок кам-пирим мендан олдин кетди Раҳматли, мен-га парвона бўлавериб, ўзини уйламаган экан. Бир кеча етдию, бандаликни бажо келтирди. Худойим осон улим берди. Ҳар бир банадага шундай улим берсин. Ўз қў-лим билан қўйдим. Бу — 1991 йилда юз бер-ди. Утиларим уйламоқчи ҳам бўлишди. Қўнмадим. Мавлуда менинг суяганим, ишонган боғим эди. Шунинг учун рози бўл-мадим. У мени неча йиллар кутди ахир? Раҳматлини камзулини чўнтағидан мен бер-ган уччаноқ чиқди... Биз шундай яшадик, болам. Эрлар учун дунелаги энг катта бахт — аел кишининг эрига вафолорлигидир. Шунинг едиганда тўт. Биз бахтли яшадик. Э-нди эса эгамдан омонатини олишини кутиб юрибман. Илоҳим, кампирим синағи е-нгил улим берсин.

Тохир ота билан минг йиллик қадрлон-лардек жайрлашдик. Янаш манзилни айт-дилар. Яхши кўнлар келсе, албатта йўқлаб боришни дилимга туғиб қўйдим ва оламда шундай инсонлар борлигидан енгил тин ол-дим.

Абдурахмон ЖҲРА

ШОВ-ШУВ

«ЮРАК, СЕНСАИ МЕННИНГ СОЗИМ»

1967 йилда Кейптаун (Жанубий Африка Республикаси)лик жарроҳ тиббиёт соҳасида улкан бурилиш ясаган тажриба — юрак кучириб қўйиш операциясини амалга ошир-ганди. Лекин бу кашфиетнинг бит-та камчилиги шунда эдики, жарроҳ-лик йули билан ўтказиладиган до-нор юракни 4 соатдан ортиқ сак-лаб бўлмасди. Шу муддат утгач, юрак ҳужайралари ула бошларди ва у яроқсиз ҳолага келиб қоларди.

Салкам ўттиз йилдирки, олимлар доно-р юракни узоқ муддат саклаш-нинг йўлларини излайдилар. Тан олиш керак, бу боралда ҳам улоқни ЖАРЛИК олимлар олиб кетишди. Преториялик гематолог олим Олга Висер профессор Дирк дю Плесси раҳбарлигида ва профессорлар Писер Цилерс ҳамда Крис Стеймандлар ер-ламида доно-р юракни узоқ муддат саклаш усулини топди.

— Шу пайтгача доно-р юракни суяоқ азотда музлатишга уринишар-ди, — дейди Олга Висер. — Биз эса махсус криоконсервант ишлаб чиқ-дик. Юрак азотда музлатилишдан олдин ана шу криоконсервант бил-лан туйинтирилади. Икки йиллик изланишларимиз муваффақиятли якун топди.

Олга Висернинг бу кашфиети за-монавий кардиология ва умуман тиббиёт соҳасида жиддий бурилиш ясаши табиий. «Санди Таймс» газе-тасининг ёзишичи, энди доно-р юракларни банкларини ташкил этиш мумкин бўлади. Жарроҳлар эса у ердан беморга мос келадиган юрак-ни танлаб олиш имконига эга бўла-дилар. Ҳатто зарур юракни чет эл-лардан бемалол келтириш имкония-ти тугилди. Профессор Дирк дю Плесси эса шогирдининг бу каш-фиетини такомиллаштира бориб, ундан улка, житар ва қўз қорачиги-ни узоқ муддат саклашда фойдала-ниш мумкинлигини айтмоқда.



Мулоҳаза

ОИЛА — ОЛИЙ САЛТАНАТ

Яқинда радиода бир йигитнинг мактубини эшитиб қолдим. Унда ёзилишича, йигит икки ўт орасида, изтиробда. У уйланган. Асли, турт нафар фарзанди бор. Аммо, шу ерга келганда бошқа бир қизни севиб қолади. Энди нима қилсин? Қайси бармоғини тишласа ҳам оғрийди.

Ҳамма оила ҳам яхши умидлар билан, меҳр-муҳаббат, ҳушмуомалалик асосида қурилади. Аммо, йиллар ўтган сари турмуш юмушлари кишини толиқтира бошлайди. Унга уч-тўртта боланинг ташвиши қўпилади. Қараб-сизми, ҳушмуомала-дағаликка, меҳр-муҳаббат — қўрсликка айлана бошлайди. Бир-бирини тушуниш, аяш-асраш йўқолади. Бу англашилмовчилик қаноатсизлик оқибати ажралишлар билан тугайди. Эр ҳам, хотин ҳам бир йўлни топиб кетиши мумкин. Аммо, уртада болаларга жабр бўлади. Улар мусибатини таъмин эрта тотайди. Етимликнинг ситамларидан эзилди. Энг ачинарлиси, болаликдан эрта маҳрум бўлади.

Бундай ҳолларда, купинча, аёлни айблаш олат бўлиб қолган. Аммо, эркаклар-чи? Улар шундай бир тезкор замонда аёлларига мадад бўла олаётдиларми? Уларнинг кўнглига умид бахш этувчи меҳр қурғазяптиларми?

Аслининг шаънини ҳимоя этиш, қалбига йўл топиш урнига хиёнат йўлини тутган, ҳей ука, бир пас тухтан! Шопилиб хатога йўл қўймаган, дегим келади. Жаловиддин Румий ўлига мактубида ёзди: «Хотин елгиз бандаси эмас, яратувчидир ҳам. Ҳамма ҳам яратувчини англаймикин? Ҳамма эркак ҳам хотинни тушунаймикан?»

Румий куйиниб еганидек, аёлни англаш, қадрлаш, меҳр қурғазяш учун юксак маънавият, покиза юрак керак. Ҳамма эркакларимиз ҳам оила олдидидаги бурчларини шундай камолот даражасида туриб англаштирадиларми?

Муҳаббат тушунчаси кенг қамровли. Уни фақатгина бир йигитнинг бир қизга интилиши деб англайдиган бўлсак, кўп нарса ютқазамиз, инсонлар маънавияти торикади, жамият парокандаликка учрайди.

Ҳалиги йигитнинг муҳаббат деб атаган туйғусини эса мен худбинликдан узга нарса деб баҳолай олмайман. Муҳаббат олий ва покиза туйғу. У гудаклардек беғубор оламга дарз солиши мумкин эмас. Сўхбатда бир уртоғим муҳаббатнинг ҳаёда бўлгани яхшироқ, унга эришилгандан кура, деган эди. Балки бу гапда жон бордир. Ушанда у пок, тоза, кунгилга умид бахш этувчи қувватини йўқотмас.

Мактубдаги каби ҳодисалар бир-иккита бўлса, тушуниш мумкин. Аммо, бундай тақдирлар анчагина экани кишини ташвишга солади. Бу нима, маънавиятимиздаги таназзулнинг бир куринишими? Ахир, Шарқ халқларига ҳеч қачон бундай енгилтак ҳаёт тарзи хос бўлган эмас.

Оила олдидидаги бурч, масъулиятни англаш олий ахлоқ белгиси сифатида қадрланган. Биз олам аҳли ҳавасланиб қараган аждоғларимиз маънавияти, ахлоқига солиқ, муносиб издошлар бўлишимиз керак. Буни унуттишга ҳаққимиз йўқ.

Оила — Оллоҳ-таоло томонидан ато этилган олий салтанат. У жамиятнинг асосини, пойдеворини ташкил этади. Мустақкам, соғлом оила миллат маънавиятини юқори кўтарайди. Оилани эса меҳр-муҳаббат, бир-бирини тушуниш, англаш ва аяш олий макомга йўллайди. Аксинча, бўлса-чи? Турмушнинг ярим йўлида турт бола тарбиясининг оғир юкни нозик аёли елкасига ортомқлаб кетган йигитнинг маънавияти ҳақида нима дейиш мумкин?

Болалар-чи? Бу динсизлик, меҳрсизлик таъмини татиган болалар кўнглида меҳр билан нафрат сима-ен буй чўзади. Емонликни қурган гудаклар емонликдан ҳайиқмайдиган бўлиб қо-

лишади.

Евзуликдан ҳазар қилмаслик оқибатларини эса тасаввур қилишимиз мумкин.

Демак,

бир одамнинг худбинлиги қанча тақдирларни чил-парчин этиши мумкин экан. Шундай экан, бундай ҳодисаларга бефарқлигимиз кечириб бўлмас ҳолдир. Баъзилар бу ҳамманинг шахсий иши, аралашши керак эмас, деб уйлашади. Йўқ, менимча, бунга шахсий иш деб қарасак, кечирилмас маънавий йўқотишга йўл қўйиб берамиз.

Бир аёлни танир эдим. Эри, худо раҳмат қилсин, бетоблик туфайли оламдан ўтиб кетганди. Икки боласи билан қолди. Кўп қийинчиликлар, етимлик изтиробларини куришди.

Бир неча йиллардан кейин у аёл ишхонасидаги бир киши билан яқин дўст бўлиб олди. Унинг хотини билан ҳам дўстона бўлиб, уйларига меҳмондорчиликка бориб-келиб юрди. Нон-тузини ҳам еди. Аммо, бир қанча пайтдан кейин уша йигитнинг турт боласини етим қилиб, унга турмушга чиқиб олди. Аёли юрагини тилгаганча қолиб кетаверди. Маҳалла аралашмади. Ишхона лоқайд. Хўп, бу аслининг қилмиши олабийликнинг қайси қонун-қоидага тўғри келаркан? Кўнгил, виждон, инсоф деган тулунчалар қаерда қолди?

Айтинг-чи, юқоридида аёлнинг қилмишини қандай баҳолаймиз? Нон-тузини еб, бутун оилани барбод этиб кетиши, гудакларнинг қувноқлигини, бахтини, келажагини синдиришини виждону инсоф тарозисига солиб кўр-

сак, қандай жавоб топамиз? У аёл гуноҳга ботиб, бутун бошли оиланинг уволи тутиб, икки дунеси қуйиб кетмайдими? Етимлик нималитини уз болалари қисматида қурган аёлнинг яна турт болани етим қилишга қандай виждону йўл қўйди экан? Қандай ҳалди сизди?

Тўғри у аёл ҳам ёш. Қайта оила қуришга, бахтли яшашга ҳаққи бор. Аммо, бундай худбинларча, инсофсизларча услубда эмас, албатта.

Аёл қалби гулдек гузал, ҳамда поэтик. Қўполлик, дағал муомала уни эрта суддирлади, хароб этади. Ширинсуханлик, ҳушқўлқилик, меҳр-муҳаббат бу тилсимот умрини узайтиради, уни гузаллаштиради, ешпайтиради. Аёлни сирли муъжизага айлантира олади. Йигитлар, сиз муъжизани кучадан эмас, уйингиздан изланг. Астойдил киришсангиз, уни, албатта, топасиз!

Уз жуфти ҳалоли — аёлини англамаган, асраб-авайламаган киши бошқа бировни англамоғи дўшвор. Атрофимизда қўлаб оилалар борки, меҳр-муҳаббат устиворлигига ҳавасланиб қараймиз. Шарқона одоб, лутфи-ҳалимликдан қўнглимиз таскин олади.

Иқболлой АДIZОВА



ФИРЪАВН АЁЛ

Хуснда, ақл-заковатда донги кетган гузал, қадимги Миср маликаси Хатшепсут эрамиздан аввалги 1525-1503 йилларда тарихда биринчи бор аёл фиръавн сифатида ҳокимиятни бошқаради.

Маликанинг ерга тегай-тегай деб турган қоп-қора сочлари гўё тўнни эслатса, қақнаб турган қўзлари бамисоли юлдузларни эслатарди. Ҳатто унинг қиройидан саройига файз кириб, оппоқ нурлар ёғиларкан.

Бир куни саройининг энг кучли астроними, қоҳини, меъмор ва рассоми, гузаллик шайдоси Синмуд Хатшепсутга қарата тусатдан:

— Сен салтанат маликаси, қиролчи бўласан, Хатшепсут — деди. Хатшепсут эса унга жавобан:

— Ахир мен шундай ҳам маликаман-ку, эй нодон қоҳин — дейди ҳайрон бўлиб. Шунда қоҳин:

— Тушунсангчи, сен Мисрнинг ҳоқони, биринчи фиръавн аёли бўласан, дейди қулиб. Синмуд юлдузларга қараб унга ана шундай ором очганди.

Хатшепсутнинг отаси Тутмос I гарчи Мисрда тахтга аёл эоти яқинлаштирилмасида қизини фиръавнлик мартабаси-

га хос руҳда тарбиялади. Чунки Тутмос I янгол бошқа бир хотинидан бўлган якка-ю янгол угли, тож вориси Тутмос II нинг жисмонан ва ақлан қўсурлари бор эди. Шу сабабдан Тутмос I углининг давлатни идора қила олишига шубҳа билан қараб, қизини тожу-тахт сирларидан, давлат ишларидан тула воқиф қилди. Тутмос I ўғли фиръавн бўлсада, мамлакатни ҳар ҳолда қизим бошқарар, деган мақсадда уларнинг бошқариш қўвўштиради. Гарчи ўғай акаси билан бўлган бу никоҳ Хатшепсутнинг аёллик, оналик тақдирини муваффақиятсизлик олиб келган бўлсада, давлат ишларини юрйтишда, сиёсатда унинг мавқеини кўтарди.

Маликанинг якка-ю янгол қизи Нефрура болалик пайтидаёқ вафот этади. Афсуски яқин қариндошлик муносабатлари туфайли малика бошқа фарзанд қўролмади.

Хатшепсутнинг эри Мисрға бор-йўғи икки йил ҳўкмонлик қилади ва вафот этади. Фиръавнлик мартабаси Тутмос II нинг бошқа бир хотинидан бўлган ўғли Тутмос III га қолади. Аслида ёшгина Тутмос III ҳам номига фиръавн бўлиб, ҳокимиятни малика Хатшепсут бошқаради. Ҳатто малика Тутмос III балогатга етганди ҳам унга ҳокимиятни бермаган. Тахт ишларига аёл кишининг аралашуви халқнинг нозилиғига ҳам сабаб

бўлмади. Чунки маликанинг ҳокимиятни бошқарган 22 йиллик даврида Миср гуллаб-яшнади. Айниқса, мамлакатда фан, санъат, архитектурага кенг эътибор берилди. Эҳромлар, ибодатхоналар қурилиши катта маблаглар сарфланди. Гарчи малика эҳромлар қуриш, билан бир томондан узининг тарихда чўқур ном қолдиришини қўзлаган бўлса, иккинчи томондан бу нарса қоҳинларнинг хизматига мукофот эди. Чунки малика тож-тахт тепасига келганда ҳам, давлат арбоби сифатида иш юритганда ҳам уни қўпроқ қўхилар қўллаб-қувватлаганди. Айниқса унга Амон худосининг олий даражадаги қоҳини Хапусинепа ва Синмуд катта ёрдам берди. Хапусинепа фиръавн аёлининг сиёсатдаги бебаҳо талантига қўйил қолган бўлса, Синмуд маликанинг гузаллигига ошўфта эди.

Дастлаб халқ онига аёл фиръавн тушунчасини синдириш анча қийин кечди. Шунинг учун қоҳинлар галати бир йўлни танладилар. Яъни фиръавннинг аёлларга хос ташқи белгиларини йўқотишга ҳаракат қилишди. Шу сабабдан уни эркакча кийинтиришди, сўнгра фиръавнларнинг анъанавий жаҳохирлари билан безашди.

Йиллар ўтиб архитектор Синмуд Дайр-эл-Бахрида машҳур маликага аталган қасрни қуради. Қасрнинг деворларига, пештоқига эса фиръавн аёлининг шаънига мақтовлар ва унинг Пунт шаҳрига қилган саёҳати билан боғлиқ айрим тафсилотлар тасвирланади. Маълум бўлишича, малика Пунт (ҳозирги Самали) шаҳридан турфа хил усимилқав, экзотик дарахтлар, ва қимматбаҳо жаҳохирларни Мисрға олиб келиб, мамлакатини янада гузал қилганди.

Нихоят фиръавн деб тан олинган бу аёл уз мақбарасини қўрдириш пайига тушиб қолади. Унинг буирғига кура Мисрнинг энг зур қўрувчилари ва минглаб қўллар шоҳлар водийсига йўл олишади. Буюқ фиръавнлар қўмилган бу водийда эса шу пайтгача фиръавн аёл мақбараси бўлимаганди.

Қоҳин қатъий ишонч билан тахтга яқинлашади:

— Чақирдингизми маликам?

Унинг яғриндор елкалари, кучли қўллари, қирғийники сингари ўткир қўзлари хануз гузал эди. Фиръавн аёл эса унга совуқ ва жимгина тикилиб туриб:

— Жудаём ҳақдингдан ошиб бораёман, Синмуд. Айтишларича, сен уз мақбарангнинг буюқ фиръавнлар макони — шоҳлар водийсига, қолаверса, менинг мақбарам ёнига қурибсан. Калондимоглигингни йигиштир, қоҳин — деди.


— Бу калондимоглик эмас маликам — Синмуд фиръавн оёқлари қаршида тиз чўкди. — Бу муҳаббатдир. Мен доим сизнинг ёнингизда бўлишни хоҳлайман. Умрим бўйи сизга бўлган муҳаббатим билан яшадим. Мен сизни фонида ҳам, боқий дунёда ҳам авайлаб-асрағувчидирман.

Маликанинг қўзлари бир лаҳза меҳр билан порлади. У ҳаяжонланганидан фиръавнларнинг ҳўкмонлик рамзи бўлган асони қўнонам сикдики, бундан ҳатто тирноқларига заирқаб кетди.

— Кет бу ердан, қоҳин. Менга сенин ёрдамнинг, марҳаматинг ва қолаверса мақбарангнинг шоҳлар водийсига қуришинг керак эмас. Бугуноқ саройини, эртагаёқ шаҳарни тарк этасан, Синмуд — деди малика виқор билан.

Фиръавн аёл Хатшепсут салтанат иши, халқ иши учун шу тариқа муҳаббатидан, ором-у-осойишидан воз кечган эди. Зеро, у бундай йўл тутмаганди балки ҳақиқий фиръавнлик даражасига кўтарила олмаганди...

А. САФАРОВ тайёрлади



Бу бўстон саҳнида гул кўн, чаман кўн

ФАРҲОД АРЗИЕВ

СЕҲ

Гулим, сенинг юрагинг тоза
Юрагингга боқаётган мен.
Икки кўзинг икки дарвоза
Дарвозани қоқаётган мен.

Фақат сендан тиларман паноҳ
Фақат сендан оларман баҳра.
Йиллар мангу меҳрдан йироқ,
Гулим менинг кўнглимга қара.

Йигирма бир ёшимда келдим,
Юлдузларим кўксимда учиб,
Гулим, сенинг қошинга келдим,
Икки дунё баҳридан кечиб.

Мен гуноҳ қилдимми,
адашдимми, ё...
Сен узоқ йиғладинг,
йиғладинг, э воҳ...
Ишонасанми,
Сочимдан то тирноғимгача уйғонди титроқ
Ишонасанми,
Илкис титраб кетди тасаввуларим

Мен ҳеч қачон ўйламагандим
Бунча йиғларсан деб, ўқинарсан деб...
Ишонасанми,
Сен йиғладинг
Жуда оғир бўлар экан
шундай ёнингда
Дунёда энг гўзал аёл йиғласа...

Кўзларимга кўринасан сен,
Кокилларинг ҳилолдай яшаб.
Кўзларимга кўринасан сен,
Боғи Эрам гулига ўхшаб.

Кўзларимга кўринасан сен,
Ажал қистаб келганида ҳам.
Кўзларимга кўринасан сен,
Кўзимга гил тўлганида ҳам...

УСМОН ЙЎЛДОШ

МАЖНУНДА
ҚУЛМАТАНДИМ

Мажнун ўлди, руҳи менга жойланди-ей,
Ошиқ қалби юрагимга бойланди-ей.
Тақдир мендан кулмоқликка чоғланди-ей,
Мен Мажнундан кулмагандим, ошиқ бўлдим.

Мажнунни зор телба қилган Лайло кетди,
Ғам аламга ошно қилган Лайло кетди.
Замон ўтиб куйиш гали менга кепти,
Мен Мажнундан кулмагандим, ошиқ бўлдим.
Муҳаббатда Мажнун бўлмоқ ҳавас бўлди,
Мажнуний ишқ ошиқларга талаш бўлди.
Хижронларнинг водийсига бошим қўйдим,
Мен Мажнундан кулмагандим ошиқ бўлдим.

Рози бўлмаг, Мажнун каби сўймасам,
Жунун янглиғ ишқинизда кўймасам.
Муҳаббатда куйганимни тан олмасман,
Мен Мажнундан кулмагандим ошиқ бўлдим.

*** ***

Майсалар шивирлар, тебранар майин,
Майса бўлгим келар билганим сайин.
Мен сизга бирон сўз айтолмай тайин,
Яшайман армоним кучиб.
Қалбимда тўғёнлар бошлайди исён,
Жовдираб боқади кўзларим ҳар ён.
Нетай, мен, айрилиқ ўлимдан ёмон
Яшайман хижрондан чўчиб.

Э, воҳ севмаганлар тушунмас мени,
Барча ошиқларнинг мен билан тани.
Сенсиз қалбимдаги севги гулхани,
Тезроқ келгин, қолмасин учиб!

ДИЛМУРОД ҚОСИМОВ
ҚУЁШ БЎЛАЙ
МУҲДА ЁЛЁНУЗ
ОЎЛАРТА

Оху бўлинг, майли қувиб етолмасам,
Қуёш бўлай мен бу туп ёлғиз ойлارга.
Сочларингиз энди силаб уролмасам,
Кўз ёш бўлай, сирларим ютган сойларга.

Тақдир менга бунча дардни қайдин олдинг,
Юрагимга айрилиқнинг ғамин солдинг.
Пешонамга битилмаган хаёл бўлдинг
Хаёл бўлай, кўнги қурган саройларга.

Мен етмаган гўзалимга ўзга етди,
Мен кечмаган дарёлардан армон ўтди.
Дилим яра, ўқинчларим бағрим ситди,
Бардош бўлай, ишқ кўйида гадоиларга

ШАМСИЯ ХУДОЙНАЗАРОВА

Сокин кечаларнинг салтанатида,
Ажиналар ёқиб кетди чироқни.
Юз йиллик бандидай ютоқиб ичдим,
Қадим ошиқлардан қолган фироқни.

Дастурхон тўшади соҳибжамол туп,
Ғамлар сузиб келди дил лаганида.
Мен фано бағрида куйиб йиғладим,
Кимдир «Севаман» деб, алдаганида.

Яраланиб қайтди ҳаёлим тайри,
Нафрат оловига туташди йўлим.
Севгисидан гайри шодликдан айри,
Менинг остонамни излади ўлим...

АЛВИДО

Кетаман, қадримнинг юпун кўйлагин,
Соқов теракларнинг шоҳига осиб.
Ўқиб йиғлайди фалак мен учун,
Ва замин ўлади қон қусиб.
Алвидо...

Дунёнинг-да, бағри қолади бўм-бўш,
Очиб йиғирманчи баҳорга аза.
Мунғайр қабристон — гунг ажалфуруш,
Ғамгин мусичалар ўқир жаноза.
Алвидо...

Тунлар тушларингга бостириб кирар,
Кафасиз кўмилган ишқининг арвоҳи.
Қалбингни қирқ пичоқ қиймалайверар,
Ўлим-энди менинг содиқ паноҳим.
Алвидо...

Чайқала-чайқала учган мен эдим,
Гарчанд айрилиқнинг беланчаги дор.
Қон ютиб дунёдан ўтган мен эдим,
Етим қолди шўрлик кечиккан изҳор...
Алвидо...

ҚАҲАТМИДИ
ИШҚИНИНГ
ДАВОСИ

Дилнинг тақир саҳароларида,
Кўлим қонаб азоблар тердим.
Фақат осмон тинглади дардим,
Кўзларимни самога бердим.

Тиловатни йўқотдим Худо,
Тунлар вафо қилмаса нетай.
Бўзлоқ вужуд бўлса-ю адо,
Қийноқларда ўлмасан нетай?

Телба руҳнинг байрамларида
Қаҳатмиди ишқининг давоси.
Суйганимнинг найрангларидай,
Бунча эзар кузнинг ҳавоси...

ЗУЛХУМОР Солиева.

МАКМУС

Ўша қоним туташ гўзал қишлоқда,
Бир аёл яшайди сочлари оппоқ.
Дунёдаги тапхо дардкашгинамга,
Мактуб жўнатаман узундан узоқ.

«Онажон, соғиндим, кўргим келади,
Олис болаликнинг сўқмоқларини.
Турна санагандай бугун санайман,
Ҳаёт дарахтининг япроқларини».

«Онажон, бу дунё нақадар гўзал,
Қани яшасайдим то абад» — дейман.
Ўзим ҳам унутиб бахтсизлигимни,
Онамга ажиб бир эртаси тўқийман.

Бунда дўстим сотган шум лаҳзаларни,
Онамга бахт дея талқин этаман.
Яна бошга тушган минг бир савдони,
«Ҳаётнинг иғвоми», дея битаман.

Ҳаргиз ёзолмасман бор ҳақиқатни,
Ҳақсизлик қайғусин ёдга олмасман.
Тақдирнинг кулфатли қисматларини,
Она, ўқимоғинг раво кўрмасман.

Ўша олисдаги сўлим қишлоқда,
Бир аёл яшайди сочлари оппоқ...

ЁЛҒИЗЛИК

Тун.. изғирин...
Увлайди шамола.
Қайлардадир тенгирар итлар.
Ғарибгина нурсиз хонада,
Аллақимни кутади аёл.
Уни алдаб кетади шамола,
Уни алдаб кетади хаёл.
Ёлғизлиқнинг тўшагида жим,
Юрагини ғижимлар аёл.
У севгининг сўнги фарёди,
Тўкилади кўкдан афсуслар,
Сочларини кўксига босиб,
Куйиб ўтар сўхлайо тунлар,
Тун... Изғирин...
Бўғзин чалиб чарчамас шамола
Ёлғизликдан мерос кулабада
Аллақимни кутади аёл...

Иктидорли журналист, улусшунос Гулжаҳон Мардонова «Хушрўйлик сирлари» номли рисоласини ёзиб тугатди. Китоб 1996 йил «Меҳнат» нашриётида чоп этилади. Асарда пардоз-андоз, орасталик тарихи, йўл-йўриқлари ҳақида ажойиб далиллар, маслаҳатлар берилган. Куйида ана шу асардан парча ўқисиз.

Фаранглар дунёда хунук аёллар йўқ, фақат узига оро бермаган, парваришсиз аёлларгина бор, деб ҳисоблайдилар. «Аёллар ҳуснининг сирларини ёлғиз ошқуқ файласуфини тушуниши мумкин» деганда буюк Шамфор қанчалар ҳақ. Табиатнинг нодир мўъжизаси саналмиш аёл зотининг хушрўйликка интилуви эса кеча еки бутун пайдо бўлмаган. Эра-миздан 2000 йил илгариеқ Мисрлик жононлар, пардоз-андоз сирларини яхши билганлар. Юз ва тери парвариши, лабларни буяш, сочларга хушбўй мойлар суртиш расм бўлган. Оқбилак хонимлар қоши чумолининг куйдирилган тухуми, лаблари сурик деб аталадиган қизғишранг буюк билан ороланган.

Аёл зоти қандай миллат, қандай ирк, қандай таъли бўлмасин хушрўйлик сари интилиши кучайса кучаяди қамаймайди. Қадимги ҳиндуларнинг Кри қабили аёлларининг Мис давригача таққан исирғалари қуришти, буюлган нухатдан тайерланган. Бошларига таққан туяқуш паи тўғи уларни тенгсиз зебога айлантирган. Алачи аёллари сиргани еноқдан, лочин тирноғидан тайерланган. Ҳаммасидан ҳам Майя қабилида гилай кузди қизлар харидоргир бўлганини қаранг-а...

... Қадимги Грециялик аёллар учун қомат хушбўйчилиги ва юз гузаллиги мўҳим саналган. Унутмангки, «косметика» сузи ҳам грекчада «безаниш санъати» демақдир.

Аёлни табиат у истаганчалик ҳуснор қилиб яратмаслиги ҳам мумкин. Миср қироличаси Клеопатранинг золимлиги ва бунга қўшимча гонимда беухшов бўлганлигини кўп ўқигансиз. Аёл — барибир аёлда. Эрта тондан сут ва асал солинган сувда чумилишлар, сунгра акас ва қовоқ эссенцияси билан артиниш, ажинларнинг урик мевасидан тайерланган буюк остида билимлай кетиши бу хонимни шундоқ ҳуснор қиёфага киритдики, асти қуяверасиз. Юз териси таранглашиб, оқариб, лаблари ва томоқлари олурган тус ошди.

Машҳур Рим гузали Поппея маъшуқли Нерона висолига етиш учун ҳар кун юзига қайнатишдан жавдлар ва зайтун мойи суртганига нима дейсиз. Ҳафсала билан янги сўйилган куй жунидан тайерланган лосонда артавериб ажинлари у билан мутлақо хайрлашди-я.

Аммо шунинг унутмаслик керакки, бу даврда кўп ҳам озодликка эътибор бервермасдилар. Бора-Бора Шарқдан келган салбичилар билан бўлатилган ванна ҳам кириб келди. Эндигузаллик, ҳусну малаҳат тушунча си саломатлик фалсафаси билан уйғулашди. Аёллар узум шарбати, тухум оқи ва саригидан фойдаланиш афзаллигини билдилар.

Бундан рошпа-роса тўрт ярим аср

муқаддам 40 баҳорни қаршилаган Диана де Пуятенинг қилғиликларига азбаройи ёқангизни ушлайсиз. У қирол Франсуанинг 19 ёшли нозаниндай ўғли Анрини савдойи телбага айлантирди-қуйди. Аёл ҳар кун эрта тонгда муз-ли сув ёки ёмғир сувига чайиниб, очик ҳавода узоқ вақт сайр қилган. Сунг яхна гушт ва сабзавот тамад-



ГУЗАЛЛИК СИРЛАРИ

ди қилган ҳолос. Юз қиёфаси кўркамлашиб, очилиб кетганидан атрофдагилар ҳайро-он қолдилар.

Хушбўй ислик атирлар аёлларнинг жони дили. Аммо атир ихтирочиси ким? Бу ҳайкал қўйишса-арзийдиган инсон Урта асрда яшаган италиялик Фаринидир. Антиқа пардоз воситалари, атирлар ҳақида гап кетганда негадир ҳамма франтуз косметикаси ҳақида уйлай бошлайди. Бу юртда косметика XVI аср охири, яъни Генрих III замонида ривожланди. Кейинчалик XVII асрда қиролъ Людовик XIV Францияга хушбўй исли эссенциялар, парик ва шиньонлар келтириш учун маҳсус поход уюштирди.

Хуш, қадим Шарқда пардоз-андозга муносабат қандай эди? Қадим ҳинд аёллари қошлари ва тирноқларига қизил буюклар билан оро бермасалар парваришсиз саналган. Юз ва бўйинлар оқ упада яшнаб, киприклар камон каби қайирилган. Лаблари ялттираб турган ҳинд аёли санамларнинг санамиди эди.

Қадим Бағдоднинг дунёга танилган савдо қарвонлари халифаликни рангбаранг ипаклари, шойи матолар, гиламлар билан таъминлабгина қолмай муаттар ислик пардоз-андоз буюмлари ҳам келтирганлар. Алло (сабур) дарахти, камфара, райхон севиб харид қилинган. Қаламқирмунчоқ ўша замонлардан бададаги бадбўй исларни йўқотибгина қолмай, суқдан, қуздан ҳам асрайди, деб ишонардилар. Атиргул суви (гулоб) эса аёлларнинг энг қимматбаҳо мулки сифатида асраб-авайланган.

Момоларимиз юзларининг офтобдай ёрқин бўлиши учун шаҳарда ивтирилган зира сувида чайганлар. Юз юмшоқ ва латофатли бўлиши учун қатик ва қаймоқдан фойдаланишган. Минг даридо даво деб таъриф берилган седана юзини тиник ва қизил қилишни яхши англаганлар. Хом сут билан юзини артиш тери хужайралари учун мустаҳкам озиқдир.

Аёлнинг яна бир ҳусни қузида, дейдилар. Сурманинг кўз равшанлиги, қуввати, тиниқлигини ошириш узоқ умтишдаёқ исботланган. Уни илгари ўй шароитида қуйидагича тайерланган. Пиширилмаган мол суягидаги иликни эҳтиётлик билан қоқиб оласиз. Андақ эритиб пахта пилликка шимдирасиз. Пилликни қопқоғи қия очик идиш ичига солиб ёқасиз. Тутун қопқоққа ёпи-

шиб сурма ҳосил бўлади. Бу сурманинг ҳосияти — кўздаги чарқоқни олиб, қувватни оширади.

Шарқ аёллари учун қош парвариши алоҳида эътиборда бўлган. Ҳар бир ўзбек хонадонига ҳовлининг кафдек бурчагига усма экилган. Ҳатто бу усимликка жаннатий дея баҳо берганлар.

Туркий халқларда узун ва қалин сочлар гузаллик рамзидир. Қайноналар келинликка сочлари туқимини упанг қизларни танлашгани шундан. Оналар қизларининг сочлари яхши усиши учун зардобли қатикқа ювиб қуйганлар. Бир пиеда седана туйилиб, икки коса сувдан бир коса қолғунча қайнатиб доқадан сузиб олинган, бир пиеда ёғ қуйиб яна қозонга соқадилар. Ва ёғнинг узи қолғунча қайнатилади. Мана шу ёғни вақт-вақти билан суриб турсангиз сочларингиз яхшигина усади, дейишган. Сочларингиз жилолансин десангиз, аччиқ қилиб дамланган қора чой ва пиез пусти дамламасидан утар буюк йўқдир.

«Ушбу қонун эълон қилингандан кейин Ҳазрат Олийлари Англия қиролининг бирон фуқаросини пардоз-андоз, упа-элик, сунъий тиш, баланд пошна ва шу қабилир билан қизиқтириб ўзига мафтун қилган ҳамда уйланишга кундирган аёлларнинг ҳаммаси, қандай табақага мансублигидан қатъий назар, жодуарлик ва шу каби бошқа жиноятлар қатори жазага тортилади ва айблов ҳукми чиқарилгандан кейин бундай ниҳоқлар бекор қилинган ҳисобланади». Ҳайратланманг. Бу қонун XVII асрнинг бошида Британия парламенти томонидан қабул қилинган. Бунга қарангки, бу қонун ер юзининг бошқа нуқталарига ўз таъсирини кўрсата олмагани етмагандек, британиялик хонимлар ҳам ўз биланларидан қолмаганлар. Аёл зотининг мафтункорликка интилишини ҳеч қайси подшоҳлару, сиесатлар тухтата олмаган. Чунки гузалликка интилиш тағида саломатлик фалсафаси ётади.

Гулжаҳон МАРДОНОВА

ДЕРАЗА

«КЕЛ, КЕЛ ДЕГАНДА...»

Қуйи Новгород шаҳар ўт учирини қисмида қаллаи саҳарлаб телефон асабий жиринглади. Маълум бўлишича, шаҳардаги университетнинг 4-курс студенти Дмитрий исмли йигит бинодаги ҳаво алмаштириш трубага тиқилиб қолган экан. Ўт учирувчилар узоқ уриниб уни чиқариб олишди. Касалхонада ҳушига келган студент труба ичидан қандайдир овозлар узини қақирганини айтган.

МАФИЯНИНГ ЯНА БИР КҮРБОНИ

«Приморбалликансоат» ҳиссдорлик жамияти директорлари кенгашининг раиси, 32 ёшли Андрей Захаренко ўз уйига кираверилма ма-софадан бошқариладиган портловчи молдининг портлашидан ҳалок бўлди. Улка губернатори Наздратенко бу фожесани Россияда давом этаётган ҳуссийлаштиришнинг иккинчи босқичи бошланганлиги билан изоҳлаб, мафиянинг мулкдорларга таъзиқининг оқибати деб ҳоҳлади ва Москва уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириши кераклигини айтди.

МАЪНАВИЯТГА КҮМИЛГАН МАШИНАЛАР

Иркутскда И.И.Молчанов номидаги вилоят кутубхонасининг бизнеси қулаб тушди. Бино 1861 йилда қурилган бўлиб, салкам 135 йиллик тарихи мобайнида бир неча ён-гинларни бошидан кечирган. Кутубхона 1993 йилда таъмирлаш учун епилган эди. Маълумотларга қараганда, одамларга шикаст етмаган, фақат бино яқинидаги тухташ жойида турган унга енгил машина гишт уюмлари ва китоблар остида қолди.

ПРЕЗИДЕНТНИ СУДГА БЕРИШМОҚЧИ

«Буюк Руминия» партияси раиси Корнелиу Вадим Тудор ва Руминларнинг миллий бирлиги партияси раҳбари Георге Фунар ма-лакат президентини судга беришмоқчи. Сабаби, президент Ион Илиеску АҚШга сафари чоғида уларни «руминиянинг Жириновскийлари» деб атаган эди. Корнелиу Вадим Тудор ва Георге Фунар буни узлари учун ҳақорат деб қабул қилишди.

БЮДЖЕТМИ, ЁКИ ТЕШИК ТОҒОРАМИ?!

Рус халқ эртагидидаги балиқчининг тешик тоғораси ёдингизми? Бугунги кунда Россиянинг 1995 йилги бюджетни ана шу тоғорага қиёс-ланмоқда, уни ҳеч тўдириб бўлмаяпти. Ҳозир бюджет камомати 23,6 триллион рубла етган. Жумладан, пенсияларни бериш учун 4,7 триллион, армияни боқишга 2,3 триллион рубл керак бўлиб турибди.

ЭР-ХОТИННИНГ УРУШИ...

Филиппинлик эр-хотин Нелсон Ю ва Изабелиталар халқ мақоли ҳар доим ҳам ҳаётда ўз исботини топавермаслигини амалда кўрсатди-лар. Навбатдаги жанжаллардан бирида улар аста-секин оғиз жангидан мушгашувга, сунг қуроли тукнашувга ўтдилар. Улардан бири гранатани портлатиб юборган, бу даҳанаки жанг томонларнинг улими билан тугатди.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Хурматли БАҲРИДДИНЖОН ва ДИЛБАРҲОН!

Сизларни таваллуд топанг кунингиз билан қутлаймиз!
Яратувчимиз Оллоҳ таолодан ҳам-миша фасли баҳордек яшнаб турувчи умр беришини сўраймиз. Бошингиздан бахт, иқбола қуёши аримасин.
Орзу истагингиз айланин парвоз,
Дусту ёр даврасида топингиз эвзоз.
Сизларга қўлодан-қўл самимий тилакларни билдириб қолувчи,

ДУСТЛАРИНГИЗ.

Шерматов Иван! Сизни 25 баҳорингиз билан табриклаймиз, деб Баҳодир, Сафар.

Мусурмонов Диямурод! Мен сени 18 ок-

тябрь тутилган кунинг билан табриклайман, деб акаан Баҳодир. ***

Шерматов Собир! Сени бахт тўйингизинг бир йил тўлиши билан табриклайман, деб, Баҳодир, Сафар. ***

Сингамил Нилуфар! Туғилган кунинг мубо-рак. Барча орзуларингизни рўёбга чиқишида Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин.

Пардозлар оиласи

Оқғузлар қишлоғи. ***

Эркинжон Нодиррахон ҳамда Зариф ва Барчаноиларни бахт, висола айёми билан табриклаймиз! Уларнинг келгуси ҳаётлари ўзлари орзулагани каби фаршон бўлишида Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин.

Бир гуруҳ дўстлари.

30 ЁШДА

Тошкентда яшайман. Ёлғизман, мустақилман.

ОИЛА

Қасбим — олий маълумотли иқтисодчимман. Бўш қўлларимда мусиқа тинглашга, кўпик айтишга яхши кўраман, спорт билан шугулланаман. Мен ўзимни севган, бир умр хурмат қиладиган аёлга уйланишни ихтиёр эдим. 30-40 ёшгача бўлган, келинлик, покка, оғилни ҳар томонлама афзал қўладиган тўла-тўғис бой аёл билан оқла қуриш ниётиман. «Оила-421».

34 ЁШДА

Тошкентлик. Турмушдан ажралган, иккита гулдай фарзанди бор. Меҳрибон, назанда аёл. Қасбим тўқувчи. Соғлом, хушбўйман, ёши 35-50 ёшгача бўлган эркакнинг бир умрлик йўдоши бўлишни орзу қиламан. «Оила-422».

38 ЁШДА

Тошкентлик. Очикқўнғай, назмин, келин-га, оқлажано, моддий таъминланган, ўрта маълумотли, ишчи ўзбек йигити ёши 34 ёшгача бўлган, урф-одатлари қадарлайдиган, уйим-жойим дейдиган меҳнатқаш ўзбек аёл билан тавнишиб, мустаҳкам оқла қуриб, бир умрга бахтли-саодатли яшашни истайдим. «Оила-423».

ОЯТ МИНИЧИННИ ХАВАС ҚИЛАН ХОНЗОДА

Қадимги Юнонистонда донишмандлар исм — қисматдир деб бежиз айтишмаган. Зеро, ҳар бир исмда эгу ният еҳуд хашаки ҳою ҳавас зоҳир бўлади. Хонлар ва шоҳлар замони тутаганидан кейин оддий одамлар ҳам ўз болаларини Хонзода, Шахзода деб атай бошладилар. Қумри хола ҳам фарзандининг хонзолалардай бўлиб юришини ҳавас қилдими, ҳар қалай, яққою елғиз қизига Хонзода деб исм қўйди.

Хонзоланинг болалиги ҳам ўз тенгқурларидан асло фарқ қилмас эди. У ҳам ҳамма қизлар каби сочини жамалаб қилиб юришини, мажнунот новдаларидек сочпоқ, латта-путтадан қўғирчоқ ясашни, дугоналари билан «хола-хола» уйнашни еқтардилар...

Мактаб, ўқувчилик даври кўпчиликнинг ҳаётида учмас эди қолдирад, ширин хотиралар, унутилмас воқеаларга бой бўлади. Аммо Хонзода мактаб даврини ҳатто тузуқ-қуруқ эсломайди ҳам. Хонзода мактабга эсиға тўпнадагина борарди. Хоҳласа келиб, хоҳламаса келмай юрадиган бу тартибсиз қиздан тезроқ қўтилиш учуни, ўқитувчилар қузини чирт юмиб уни синфдан-синфга кўчиришарди. Хонзоланинг тартибсиз ўқувчилик даври саккизинчи синфга тўғаб, унинг янги ҳаёти бошланди. Бу ҳаёт ҳам ўқувчилик даври каби тартибсиз эди. Бетартиб бошланган ҳаёт уни кўп балоларга грифтор қилди...

Ҳаётидаги энг муҳим ҳаётга йўл қўйганида ҳали ун еттига ҳам тўлмаган эди. Тенгдошлари олоққа қапалаклардек кийиниб мактабга йўл олаётган баҳор кунларининг бирида ширақайф ҳолда ўйотган Хонзода узини бетартиб тўшақда қурди. Тонгтар давом этган баъзи жамшидининг юкидан зилдай оғир бошини чангалларкан, энди узининг дугоналаридан тамомила фарқ қилишини, улар кўз қорачиғидай асраган нарсасини бой бериб қўйганини, қизлик шаъни, номусли топталганини ҳис этиб ўқириб йиғлади.

Озгина бўлсин, қизлик гурури сабаб бир неча кун номусли утида ениб,

узини қўярга жой тополмай юрди. Аммо «улфат»лари йўқлаб келганда яна эски касали қўзғайди. Кетма-кет симирилан шароб эса уни яна шахват утида қўйдирди.

Муҳаббатнинг қузи қурлиги чинми, е тақдирнинг ишими, ҳар қалай, кунларнинг бирида йил йигит уни еқтариб қолди. Тайилги одам топилиганидан хурсанд бўлган Хонзода ҳам «юмуш»ларини йиғиштириб келинлик орузларига берилди. Ошққ йигит ҳам пайсалга солмасдан Хонзолдага уйланди-қўйди. Салкам бир йил унинг ҳаёти ҳам одамларники каби маромида кечди. Аммо йигитнинг ҳарбий хизматга қақирилиши бу маромни бўзиб юборди. Хонзода шу хонадонда яшаб, бир йилда қилмаган номақўлчиликларни қилди. Охири иснолга чидаелмаган қайнотаси уни қизлик уйига олиб келиб қўйди. Уйдаги қари онасини ҳисобга олмаганда Хонзоланинг ўзи хон, қўланқаси майдон бўлиб қолди. Бир вақтлар у «мехмон»га борган бўлса, энди ўзи «мехмон» кута бошлади. Уйидан сарсавлат, сертакалуф «мехмон»ларнинг изи узилмай қолди. Хонзода бу серҳиммат «мехмон»ларнинг ташрифига шунчалик ўрганиб қолган эдики, эри хизматдан қайтиб, ҳамма гуноҳини кечирдим, юр бирга бўлайлик, деганида ҳам кўнмади. Хонзода энди бу тубанлик ботқоғига шунчалар ботқандики, ундан қичиши амри маҳол эди...

Уттизга чиқмасдан утинга айланган, қуринишидан элик яшар аёлга ухшаб қолган Хонзоланинг бўйи билан барабар қизи, яна бешта боласи бор эди. Қайфу сафодан бошқасини уйламайди қизини қарғаб, бу невараларини Қумри хола ўз нафақасига боқарди. Биронтасининг отаси маълум бўлмаган бу боқяқиларни қурган одамнинг

юраги эзилиб кетарди. Бири бошланг, иккинчиси оёқланг, учовининг эғнида фақат эск-туски кийим, қишнинг қировли қушларида ҳам қўчаларда изғиб юришарди. Бемехр она эса ўболаларига қўшиб қари онасини ҳам қўчага ҳайдаб, навбатдаги «мехмон»лари билан ишрат қиларди. Унга на не-не умидлар билан боқиб катта қилган онасининг оқ-воҳлари, на оқ ювиб, оқ тарашли лозим бўлган болаларининг дод-войи таъсир этарди...

Қумри хола идорама-идора олти болани етаклаб ариза қўтариб боравериб, охири «дом»лик бўлди. Лекин бу кенг ва шинам хоналарда яйраб яшаш унга насиб қилмади. Хонзода «дом»да ҳам ҳунарини давом эттираверди. Энди мижозларининг қўпчилиги уйдан кичик ешлар, чўнтағида бир мириси бўлмаса ҳам ҳавас қўчасига қириб қолган безори болалар эди. «Мехмон»қўтиб ўрганиб қолган Хонзода уларни ўз ҳисобидан мехмон қиларди.

Қайф-сафога ўрганиб қолган Хонзода атрофига йиғилган болаларни қўздан кечираркан, ҳаёлига бир фикр келди: «Шуларнинг бошини бирлаштириб узим бошлиқ бўлсам-чи?». Болаларни узиға таниш ерларга енгил-елпи ўғирликка жўнатиб қурди. Натижа емон бўлмади. Бундай «операциялар»ни бир неча бор такрорлагач, болаларни каттароқ ишларга бошлади. Катта ишнинг улўши ҳам катта бўлади-да.

Шундай кунларнинг бирида унинг ҳаёлини каттароқ нарсга умариш банд этди. Болалар билан маслаҳатлашиб бир неча отни «гум» қилишни режалаштирди. Бу иш болаларга ҳам

маъқул тушди. Ҳаммага маъқул келган иш ҳудога маъқул келмади, чоғи, Хонзоланинг режаси амалга ошмай қолди. Роҳатланиб от минмоқчи бўлган Хонзодага адолат ҳомийлари қора курсини минишни тақлиф қилишди. Шунча йил роҳат қилиб қайф-сафо ичида юрган Хонзода мана энди сим тўр ичида юрибди. Баъзан узун тунлар кроватининг совуқ темирини қўчоқлаганда вужуди музлаб бораётганини ҳис этади. Шундагина бир вақтлар узининг иссиқ ўрнини совутмаслиқни, қайноқ қалбини, иссиқ бағрини тақлиф қилган эрининг раъйини қайтарганини эслаб афсус қилади...

Т. КУРБОН



Ана холос!

САНЖАЙ ДАТТ НЕГА ҚАМААДИ?

Бомбей шаҳридаги марказий шифохона олдига тўпаланган оломон «Санжайга озоликка», «У айбисиз», «Санжай, биз сени унутганимиз йўқ!» деб бақирарди. Маана, ниҳоят, полиция машинасида бир неча полициячи қўршовида Санжай Датт тушиб келди. Унинг устидан даста-даста гуллар еғилди...

Санжай Датт унлаб ҳинд жангари фильмларида бош ролларни ижро этиб, «экан юлдузи» сифатида танилганда ҳали 30 ешта ҳам қириб улгурмаган эди. Зеро, актерлик унинг қониди бор эди-да! Ахир у кейинчалик сиесий фаолият билан шуғулланиб, ҳинд парламентиининг депутаты бўлган таниқли кино артисти Сунли Датт ва «Дайди», «Жаноб 420» фильмлари орқали бизга яхши таниш бўлган гузал ва мафтункор Наргиз хонимларининг фарзанди.

Дастлабки фильмлардан кейинроқ режиссерлар Санжайнинг маҳоратига тан берилиб, шундан сунг турли студиялардан тақлифлар еғилиб кела бошлади. Унинг иштирокдаги фильмлар продюсерлик компанияларига худди Голливуд киноолдузлари Шварингетер, Ван Дамм, Сигал, Сталлонеларнинг фильмлари сингари катта даромад келтирарди. Тан олиб айтиш керакки, Бомбей киночиқари тарихида ҳеч бир актер жиноятчиларнинг ролини Санжайчалик қўсмағи етказиб, ишонарли қилиб ижро этган эмас. Шу сабабли ҳам у ҳар бир ижро этган ролни учун ҳинд киноиндустрияси энг юқори тоноарлардан бирини, яъни 150 минг доллардан оларди.

Лекин мухлислари томонидан «Хинд Рембоси» деб ном берилган бу актерга тақдир анчагина «совгалар» тайерлаб қўйган экан. Фильмларга асосан жиноятчиларнинг ролини уйнаган Санжай ҳаёти ҳам худди киноадаликдек тасаввур эта бошлади. У гиеҳданликка берилди, ўт очини қўқларни севимли овуғичи бўлиб қолди. Оқибатда, режиссерлар уни рол уйнашга тақлиф этмай қўйишди. Узининг эътибордан қолаетганини сезган Санжай тез орада гиеҳданликдан воз кечинча куч топа олди, лекин афсуски, қурол асосий эрматги бўлиб қолаверди. Айтишларича, бир кун қаттиқ маст бўлиб қолган Санжай уйининг айвонига чиқиб чор атрофга милтиқдан ўқ еғдирди. Бахтига ҳеч ким жараҳат олмади, лекин бу воқеа каттагина шов-шувга сабаб бўлади.

Даврон БЕК тайёрлади

Биз билган-билмаган дунё

АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ!

Агар италиялик шофёрлар автомобил рулини боқаришди ҳуқуқини олиш учун қайтадан имтиҳон топиришлар борми, уларнинг яримдан кўпроғи синондан ўтмаган бўларди. Италия Автомобил Клуби ва «Альфа Ромео» автомобил заводи ҳамкорликда ўзказган суровдан сунг шундай ҳулосага келинди.

Суровда 12318 шофёр қатнашди ва уларга асосан ҳаракат ҳавфсизлиги билан боғлиқ саволлар берилди. Уларнинг бор-йўғи 34 фоизи барча саволларга аниқ ва тўғри жавоб беришди.

Тўғри жавоб берганларнинг аксарият қўчилигини 35 ештача бўлганлар ташкил этди. 60 ештача бўлганлар ва ундан катта ешдагилар асосан нотўғри жавоб беришган. Ешларнинг йўл ҳаракати қондаларини яхши билишлари, афсуски, қўвонип учун асос бўлмади. Чунки улар ана шу билганларига ҳар доим ҳам амал қилмавермадилар. Натижада мамлакат бўйича содир этилаётган автомобил ҳалокатларининг асосий қисми уларнинг чекига тушмоқда.

Шуниси қизиқки, суровда қатнашган аёлларнинг 64,4 фоизи саволларга нотўғри жавоб беришган, лекин тан олиш керакки, улар машинани жуда эҳтиёт бўлиб бошқардилар. Улар томонидан қонда бузишларнинг ва ҳалокатларнинг кам содир этилиши ҳам фикримизни исботлайди.

Суралганларнинг 88,7 фоизи автомобил рулида тўғри, яъни ўртача узўқликда ўтирадилар, 10 фоизи эса рулдан узўқ ўтиришни маъқул қуради, бор-йўғи 1,3 фоизи рулга жуда яқин ўтириб автомобилни бошқаради. Шофёрларнинг 8 фоизи муўйиллар олдидаги тормозни умуман босмас экан.

Суровда қатнашганларнинг атига 30 фоизи соатига 100 километр тезлик билан бораётган автомобилнинг тормозланиш масофаси 50 метрга тенг бўлишини биларкан, холос.

Мана шу маълумотлардан кейин Италияда йилга ўртача 300 мингга яқин автомобил ҳалокати содир этилишининг сабаблари аён бўлади.

Д. Ибрагимов тайёрлади.

Эшитдингизми?

ТИНЧЛИКНИНГ ҚУРОЛЛИ ҚИЁФАСИ

Норвегиядаги «Урушга қарши халқ ҳаракати» раҳбари Бернер Берг матбуот ҳодимларига қўйидагиларни маълум қилди:

Нобел мукофотларини бериш билан шуғулланадиган шу номдаги жамғарма ўз маблагини ҳарбий саноат акцияларига қўйди ҳамда қурол-яроғ сотишдан даромад олади. Жўмадан, ўтган йили жамғарма Швециядаги танклар ва бошқа турдаги бронли техника восталари ишлаб чиқарувчи «Интенси» номли концернинг акцияларини сотиб олмишга 4 миллион крон сарфлаган. Шунингдек, 1994 йили ҳарбий алоқада, ракета комплексида, ҳаво ҳужумига қарши қўрилмаларда қўлланиладиган электроника восталари ишлаб чиқаришга инвестициялар «Эрикссон» компанияси (Швеция)нинг акцияларидан жами 12 миллион кронлик сотиб олган эди ва йил якунига қўра катта даромад олади.

— Бизнинг «Урушга қарши халқ ҳаракати»миз ер юзиде тинчликни мустаҳкамлашга қўйиладиган улкан ҳисса учун бериладиган Нобел номидеги Тинчлик мукофотида даромад ҳарбий саноатдан олинишни қаттиқ қоралайди, — деди Бернер Берг.

Норвегиядаги Нобел комитетининг директори Гейр Лундестад «Урушга қарши халқ ҳаракати» раҳбари келтирган далил ва рақамларнинг ҳақиқатга мос келишини тан олгани ҳоҳда, бу нарсга пашавадан фикр ясаб шов-шув қўтаришга арзимаслигини айтган. Жаноб Лундестаднинг бу фикрига қўшилиб бўлармикан?!

СЮРРЕАЛИЗМ ВА САЛВАДОР ДАЛИ

Даҳолар, ўзи, бироз даллироқ бўлади. Салвадор Дали ҳам бу «фазилат»дан мустасно эмас. Аксинча, XX аср жаҳон санъатида ўчмас из қолдирган бу мусаввир баттар даллироқ. У тап тўртмай ўзининг даҳолигини эътироф этаверади, ҳатто... Ўзи кечирсини, «Исо Масихман!» деб юборишни ҳам эп кўради. Дунёда унингча, Салвадор Дали ва жуфти ҳалоли Гала бор, холос. Қолгани — аҳамиятсиз, қолгани иккинчи даражали... «Бир даҳонинг қундалиги»ни ўқиб, «керилиш ва манманлик»нинг таърифи сиймайди диган намунасига дуч келасиз. Хўш, Дали даҳоми? Шубҳасиз. Нега даҳоларга хос камтаринлик унга бегона, «керилишининг» боиси борми?

Салвадор Дали 1904 йили туғилган, 30-йилларда Андре Бретоннинг кўмагида сюрреализмнинг кўзга кўринган намоёндаларидан бирига айланган испан мусаввири. (Андре Бретон (1896-1966) машҳур француз ёзувчиси, XX аср адабиёти ва тасвирий санъатида сюрреализмга асос солганлардан) Салвадор Дали умрининг аксарияти қисмини Францияда ўтказди, шу ўлкада мусаввир сифатида донг таратди.

Салвадор Дали ижоди сюрреализм оқимидан озикланади. Мусаввир фақат ижод жараёнида ўзини сюрреалист деб ҳис этмас, унинг яшаш тарзи, муомала муносабати-ю, гап-сўзлари ҳам сюрреалистча эди.

Сюрреализм қандай оқим?

Сюрреализмнинг «Биринчи манфести» Парижда эълон қилинганига 71 йил бўлди. Бу давр мобайнида оқим жаҳон тасвирий санъатида қарор топди, кинематография, театр ва адабиётга кучли таъсир кўрсатди. Сюрреализм — *surree* — моҳиятини ақл, мантиқ билан эмас, аксинча, ақлдан ташқари, мантиққа зид иррационал йўл билан очишни, кўрсатишни ўзига асос қилиб олган фалсафий-эстетик дунёқарадир. Сюрреалистлар нарса ва ҳодисаларнинг ўз табиий, қонуний йўлини тан олмайдилар, реаллиқни сохта, ҳақиқатдан йироқ, ҳаёлий, деб биладилар.

Сюрреалистлар мусаввиру ёзувчи, шоирлар муҳитида кенг ёйилган файласуфлар А. Шопенгауэр, Ф. Нитше, Э. Гартман, В. Дилтей, А. Бергсон гояларини пухта ўзлаштирганлар. Бироқ улар учун Зигмунд Фрейд асосий муаллим ва бош назарийчиси бўлган. Дарвоқе, 1936 йили Салвадор Дали З. Фрейд билан учрашиб, суҳбатлашишга муассар бўлган...

«Бир даҳонинг қундалиги»дан парча берилаётгани хайрли иш, чунки бизнинг санъат ихлосмандларимиз Салвадор Дали каби беқиёс мусаввирлар билан танишишга лойиқ. Бундай танишувлар қанчалик тез ва батафсил кечса, нафи ҳам шунга яраша бўлади.

Хуллас, Дали фақат ўйламай гапирган эмас, у ўзининг дурдона асарларини ҳам онг, ақл назоратидан қочиб, озод бўлиб яратган. Унинг онгсизлик, ақлсизлик лаҳзаларидаги ижоди жаҳон тасвир санъатида беқиёс картиналар берилганига ишонинг келмайди. Бироқ бу факт.

А. ОТАБОЙ.

1953 йил. МАЙ. Порт-Лигат, 2-нчи

Назаримда, ерда инсон боласи, орзу қилаоладиган энг саодатманд овоз, бу,— ўзи истаган тақдирда ишлармасдан туриб ҳам бемалол яшай олишидир.

Бугун субҳи содиқдан ярим тунгача заҳмат чекиб, олти паричеҳра чиздим; улар бари шу қадар ривёзюн аниқликда, шу қадар гузал ва мафтункорки, беихтиёр чарчаб, адоий тамом бўлдим. Уринга чўзиларканман, умри яқинида ўлимни оғир меҳнатдан кейинги оромбахш уйкуга менгзаган Леонардони ёдимга олдим.

7-нчи

Қилқалам кўмагида миёнига келган энг гузал орзу тасвирини тушириш мумкин, бунинг учун Леонардо ёхуд Вермеернинг касбига доир иқтидор лозимлигини унутмасангиз бўлгани.

8-нчи
Мусаввир, сен воиз эмассан! Бас, оғзингни юмгини ишингни қил.

11-нчи

Аввал-бошида кекса усталардай чизиб-ёзишни урганиб олинг, кейин уз билганингизча ҳаракат қилаверинг — шунда ҳурматга сазовор бўласиз.

12-нчи

Айрим гайри мусаввирларнинг ҳасад-ҳамида мен учун муваффақият калити бўлиб хизмат қилган.

13-нчи

Мусаввирнинг камбағал бўлганидан кура бой бўлган яхши. Шунинг учун менинг маслаҳатларимга қулоқ ос.

27-нчи

Бу дунёда бори — Гала¹ ва Дали. Ундан кейин ёлғиз Далининг ўзи. Учинчи ўринда қолганлар туради, табиийки, қолганлар ичида яна икковимиз бўлаемиз.

Август, 1-нчи

Мен тиззамга ҳунуқлиқни ўтиргиздим.

¹ — Гала — Далининг рафиқаси. Рассом қундалигида (ҳаётда ҳам) илоҳа даражасида куради ва, шундай тақдир эгаси.

Тафаккур бўстони

Салвадор ДАЛИ

«БИР ДАҲОНИНГ ҚУНДАЛИГИ»ДАН

у, шу заҳоти чарчоқни ҳис этдим.

3-нчи

Мен барча касалликларни даф қилдиган усулни топишни орзу қиламан, ило, барча хасталиқлар руҳиятдандир.

8-нчи

...Мен ўзимни ҳоргин ҳис этаётганим йўқ. Мўйловнинг қайрилган учлари осмонларни кўзлаб турибди. Гала иккаламиз бир-биримизни тобора кучлироқ севаемиз¹. Ҳаммаси янада гузал бўлмоғи керак!...

Гала иккаламизга шон-шарафлар бўлсин!

Ахир, тақдир азалга кура мен мўжизалар яратишга келмаганманми, тўғрими, йўқми?

Тўғри, тўғри, тўғри ва яна бир марта тўғри!

17-нчи

Менинг бошқаларга берадиган маслаҳатларимга амал қилишмни ишташ аҳмоқларга тан. Чунки бунинг илоҳи йўқ, ахир, мен буткул бошқачаман...

24-нчи

Гала билан асал ойда яшаётганимиз. Муносабатларимиз шу қадар дилбар ва фароғатлики, бунақаси бўлмаган. Кўнглим сезаётир умримни қаҳрамонлик дostonига айлантириб юбориш учун етишмай турган жумардик туйғуси менга насиб этадиганди. Унга эришмоқ учун мен ҳар бир дақиқада алп йигитга хос ҳаракат кўрсатмоғим лозим.

Сентябр, 3-нчи

...Кечкурун Гала чизган расмларимни куриб хайратга тушди. Мен бошим осмонга етиб ўринга чўзилдим. Бизнинг ақлга сиймайдиган даражадаги гаройиб раел

ҳаётимизнинг хушбахт манзаралари...

Раҳмат, Гала! Мен, ахир, фақат сен туйлигини мусаввир бўлиб етишдим. Сенсиз мен ҳеч қачон салоҳиятимга ишоналмасдим! Қўлингни бер-чи! Ахир, сенга бўлган муҳаббатим кун оша боз ортиб, кучайиб бораётгани аниқ ҳақиқат...

1960 йил,

Сентябр, 1-нчи

«Маҳфий ҳаёт»имнинг хотимаси ёзилгандан буён (С. Далининг олдинги китоби «Салвадор Далининг маҳфий ҳаёти» деб номланган — Тарж.) йигирма йил ўтган бўлса-да, сочларим ҳамон қопқора, оёқларим тангадай қадокни кургани йўқ... Тангрининг каромати билан мен қаҳрамонга айландим. Йўқ, адашдим, аслида бир йўла икки бор қаҳрамон бўлдим. Фрейдга кура, қаҳрамон — отасига, умуман, ота-она мавқе-мартасига қарши курашган ва ғолиб келган зотдир. Мен билан отам, мени яхши курган отам билан орамизда шундай ҳодиса рўй берди. Маънавий падарим Пикассо билан ҳам шунақа бўлди. Мен унинг мавқеига қарши курашдим ва зафар қўчдим. Қаҳрамон бўлмоқ қисматда бор экан, бунга икки бор мушараф бўлмоқ нақадар соз...

Яшамоқ — бу аввало иштирок этмоқдир. Дионисий Ареопегит давридан буён Ғарбда ҳеч ким — на Леонардо да Винчи, на Гёте, на Ницша Даличалик коинот билан тил топишолмаган...

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
таржимаси

Сўнги устун

ТУФЛИЛАР МУЗЕЙИ

Канаданинг Торонто шаҳрида «Оёқ кийимлари музейи» очилди. Ун минг жуфтдан ортиқ экспонат ичида 4,5 минг йил илгари кийилган бошмоқ ҳам, қироличка Викторияга тегишли туфлилар ҳам, рок мусиқаси юлдузи Жон Ленноннинг ботиқаси ҳам бор.

УЙҚУЧИЛИК АЙБ ЭМАС

Сир эмаски, туш пайти купчилигимиз уйкута мойиллик сезамиз. Тиббиёт соҳаси олимларининг энг сўнги тадқиқотлари кўрсатишича, тушқилан сўнг 15 дақиқа мизгиб олиш гоъят фойдали экан. Бунда мия тинчиб дам олар, одам ўзини худди 5-6 соат ухлагандек сезар экан.

БЎШ ҚОЛИША СУДЛАШИШАДИ

Бу қўрмагур юнонлар қизиқ ҳалқда. Бундоқ дўпини олиб қўйиб, бафуржа ҳал қилса ҳам бўладиган ишлар учун дарров судга чопишаркан. Мамлакат адлия вазيري Иоаннис Поттақиснинг айтишича, 10 миллион аҳолиси бўлган Юнонистонда ҳар йили уртада 1,5-2 миллион киши узаро судлашар экан.

«САМТА ЛЮЦИЯ» — ҲАМЁНГА ФОЙДА

Машҳур қўшиқчи Олег Газманов яқинда дўстлари билан Италияда дам олди. Улар махсус жиҳозланган қайиқ-гондолерда сайр қилишган пайти пиводан кайфияти чоғ бўлган Олег «Самта Люция» номли италянча қўшиқни рус тилида қўйлаб бошлади. Қирғоққа чиқишганда гондолерчи чоғ гоъят хурсанд бўлганини изҳор этиб, сайр ҳақининг ярмисини олди.

СЕРҚУЁШ ЎЛКА

Қуёш нур сочиб турадиган давр турли жойларда турличадир. Масалан, Санкт-Петербургда Қуёш нур сочиб турадиган давр йилга уртача 1563 соатни, Москвада 1651 соатни ташкил этса, ҳақиқий серқуёш ўлка ҳисобланган бизнинг юртимизда 3000 соатдан ҳам ортиқроқ.

УЛКАН КАЛТАКЕСАКЛАР ОРОЛИ

Жанубий Америка яқинидаги Галапагос оролларида дунёдаги энг йирик калтакесаклар-игуаналар яшайди. Игуаналарнинг узунлиги 1,5 метргача боради. Улар куп вақтини сувда ўтказидаи ва сув ўтлари билан озиқланади.

«ПОЛВОН» ЎСИМЛИК

Амазонка ва Ориона дарёлари ҳавзасида усадиган Виктуприя-Регия номли сув ўтининг ажойиб хусусияти бор. Унинг диаметри 2 метргача борадиган барглари ёш болаларни, ҳатто 50 килограммгача бўлган юкни ҳам бемалол кутара олади.

БОШ МУҲАРРИР:

Абдуқарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси
болалар жамғармаси ва «Соғлом
авлод учун» Халқро хайрия
жамғармаси.

НАЗБИЛИК:

700078, Мустақиллик
майdonи, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Эркин ЭШОНҚУЛОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0462. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.